

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Т.Бакиров

Комплекс сонлар: мактаб ва олий ўкув юртида 6

КИМЁ

Ф.Умурев, М.Амонова, М.Амонов

Флокулянт ва адсорбентлар ёрдамида оқова сувларни тозалаш жараёнини ўрганиш 13

С.Хушвактов, М.Жураев, Д.Бекчанов, М. Мухамедиев

Поливинилхlorид асосидаги азот ва олтингугарт тутган поликомплексонга кобальт (II) ва хром (III) ионларининг сорбцияси..... 19

А.М.Хурмаматов, О.Т.Маллабаев, О.К.Ергашев

Нефтни қайта ишлаш корхоналарида фойдаланиладиган техник сувнинг қаттиқлигини пасайтириш ва юмшатиш бўйича тадқиқот натижалари 27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

О.И.Абдуғаниев, Б.А.Үринова

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими ва барқарор ривожлантириш стратегияси..... 34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Абдуллаев, К.Курпаяниди

Рақамли иқтисодиётда бизнес юритиш хусусиятлари 39

С. Исмоилова

Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўл-йўриқлари 44

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

М.Тошбекова

Глобаллашув шароитида мафкуравий тўқнашув ва унинг оқибатлари 50

А. Юлдашев

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқарув академиясининг фаолиятини ривожлантириш хусусида 57

Д.Тошалиев

Рост мақомидан сарахбори рост шульбасининг таҳлилий масаласига доир 63

ТАРИХ

М.Х. Исамиддинов, З.О. Рахманов

Саразм ва Фарғона: ўзаро таъсир ва алоқалар 68

Х.Эшов

Маънавий таҳдидларга қарши кураш тушунчасининг генезиси ва эволюцияси 75

Р.Арслонзода, Х.Мамуров

Совет ҳокимияти оппонентларининг эсдаликлари тарихий манба (Ўзбекистон материаллари) асосида 82

У.Халмуминов

“Насабнома”ларда илк ўрта асрлар Фарғона тарихининг акс этиши 86

Н.Ҳамаев

Мухториятнинг тугатилиши ва истиқполчилик ҳаракатининг бошланиши жадид матбуоти кўзгусида 91

D.Ismoilova, M.Khaitova

XIX охири - XX аср бошларида Ислом динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролининг тарихшунослиги ва манбашунослиги 97

УДК: 902.622(091x575.13)

**“НАСАБНОМА”ЛАРДА ИЛК ЎРТА АСРЛАР ФАРГОНА ТАРИХИННИГ АКС ЭТИШИ
ОТРАЖЕНИЕ РАННЕСРЕДНЕВЕКОВОЙ ИСТОРИИ ФЕРГАНЫ В "НАСАБНАМЕ"
DEPICTION OF THE HISTORY OF FERGHANA IN THE EARLY MEDIEVAL PERIOD IN
“NASABNOMA”**

У.Халмуминов¹

¹У.Халмуминов

ЎзР ФА Тарих институти илмий ходими.

Аннотация

Исломдан олдинги даврларда Фарғона водийси тарихи ёзма манбалар ва археологик материаллар асосида бирмунча ўрганилган. Хусусан, бир қатор тадқиқотчилар илк Ўрта асрларда Фарғона водийсида маёжуд бўлган ҳукмдор суполалар, бу ерда Турк хоқонлиги бошқарувининг ўрнатилиши масалаларига тўхталиб ўтишган. Шунингдек, Фарғона водийсида араб истилоси арафасида юз берган сиёсий воқеликлар, араб босқинчиларига қарши кураш ва ҳоказо масалаларда ҳам бирмунча изланишлар олиб борилган бўлиб, уларни тўлақонли деб бўлмайди. Бу масалани ёритишда яқин йилларда илм оламига танитила бошланган “Насабномалар” алоҳида ўрин тутиб, улар асосида исломдан олдин Фарғона водийсини бошқарган суполалар борасида муайян тасавурларга эга бўлиш мумкин.

Аннотация

История Ферганской долины доисламского периода была в некоторой степени изучена на основе письменных источников и археологических материалов. В частности, ряд исследователей осветили вопросы установления генеалогии правителей в Ферганской долине, а также Тюркского каганата в раннем Средневековье. Кроме того, в Ферганской долине был проведен ряд исследований по изучению политических реалий, предшествовавших арабскому вторжению, борьбы с арабскими захватчиками и т.д., однако их нельзя считать полноценными. Особое место в освещении данного вопроса отводится «Насабнаме» («Генеалогии»), которые недавно были представлены миру науки, дающие некоторое представление о династиях, которые правили в Ферганской долине в доисламский период.

Annotation

The history of Ferghana valley of pre-Islamic period was studied by written sources and archeological materials. Particularly, a number of researchers mentioned the local ruling dynasties and administration matters of Turkic Khaganate in Early Medieval Ferghana valley. Furthermore, several researches about political events that occurred in the eve of Arab invasion, struggle against Arab invaders and other events were conducted, but they cannot be considered as “perfect sources”. “Nasabnoma” that has been recently presented to the scientific world, is playing a great role in the study of this issues about local dynasties that ruled over the Ferghana valley in pre-Islamic period.

Таянч сўз ва иборалар: илк Ўрта асрлар, Фарғона, Турк хоқонлиги, сиёсий ҳаёт, ихшид, Ахсиент, Косон, араб босқини.

Ключевые слова и выражения: раннее Средневековье, Фергана, Тюркский каганат, политическая жизнь, ихшид, Ахсиент, Касан, арабское вторжение.

Keywords and expressions: Early Medieval, Ferghana, Turkic Khaganate, political life, ikhshid, Akhsikent, Koson, Arab invasion.

Фарғона водийсининг илк Ўрта асрлардаги, хусусан, исломдан олдинги давр тарихини ёритувчи ёзма маълумотлар асосан Хитой йилномалари ҳамда араб-форс тарихчи ва географлари асарларида, қисман эса суғдий ҳужжатларда ўрин олган. Шунингдек, сўнгги Ўрта асрларда Қўқон хонлиги тарихчиларининг хонлик тарихини, айниқса, Фарғона худудида ислом динининг тарқалишини баён қиласар экан, қисқача бўлсада водий тарихининг илк Ўрта асрлар даври воқеликларига тўхтаб ўтишгани кўзга ташланади. Қўқон тарихчилари бу масалани ёритиш учун ўз даврида мавжуд қўллэзма

асарлар билан бирга ерли аҳоли орасида узуқ-юлуқ бўлса-да сақланиб келаётган ривоятларга ҳам суюнганлар. Шу боис, уларни тўлақонли ишончли манба деб бўлмайди. Шунга қарамай, уларда водий тарихининг айрим томонларини ёритишида фойдалансан бўладиган маълумотларга дуч келиш мумкин. Шундай манбалардан бири “Насабнома”лардир.

“Насабнома”лар XVIII-XIX асрларда Қўқон хонлиги мухитида туркий ва форсий тилларда ёзилган, шажара туридаги ёзма васиқалар бўлиб, бугунги кунда уларнинг ўнлаб намуналари Қозогистондаги Қизил Ўрда

ТАРИХ

ва Туркистон вилоятларида яшовчи, ўзларининг келиб чиқишини “Оқ-кўргони хўжалар” ва “Туркистони хўжалар”га тақайдиган қозоқ ва ўзбек аҳоли вакиллари қўлида сақланади[18, 1-197; 12, 5-11]. Насабномаларда ўрин олган воқеиликлар, жой номлари, киши исмлари ва бошқа сюжетлар кўпроқ Қорахонийлар ва ундан кейинги даврларга тегишли бўлса, бир қисми эса Ўрта Осиёда, хусусан, Сирдарё ҳавзасидаги Фарғона, Чоч, Исфижоб (Сайрам), Ўтрор (Ясси/Туркистон), Жанд (Қизил-Ўрда) каби тарихий-географик вилоятларнинг араблар томонидан эгалланиши тўғрисида қизиқарли маълумотлар беради. Айниқса, ушбу васиқаларнинг бошланғич қисмida келтирилган араб истилоси билан боғлик маълумотлар Фарғона водийсининг исломдан олдинги ижтимоий-сиёсий ҳолати, бошқарувчи сулолалари борасида турли тиллардаги ёзма манба маълумотларини янада аниқроқ тушуниб олиш учун ёрдам беради.

Ушбу насабномалар бўйича изланишлар олиб бориб, илм оламига танитган америкалик Девин Ди Уисс, А. Муминов, З. Жандарбек каби қозогистонлик тарихчи, шарқшунос ва диншунос олимлар Сирдарё ҳавзаси бўйлаб жойлашган аҳоли орасида сақланиб келаётган ушбу васиқаларнинг бир қисми аслида анча олдинги асрларга, эҳтимол, Қорахонийлар (940-1212) даврига бориб тақалса-да, бироқ Қўқон хонлиги даврида тартибга солиниб, хонликнинг табааси бўлган қозоқ ва ўзбек хўжаларига ҳужжат қилиб берилганини ёзадилар [7, 6-13; 12, 5-11]. Ҳам ҳужжатларда қўлланилган туркий (чиғатой) ва форсий тилнинг Қўқон муҳитига хослиги, ҳам насабномаларнинг кўпчилигида Қўқон хонлари ва йирик амалдорларининг муҳри учраши буни тасдиқлади.

Насабномаларнинг умумий мазмуни шундан иборатки, уларда “Туркистон вилояти” ва унга туташ ҳудудлардаги асосан Сирдарё ёқаси ва яқинларида ўрин олган Жанд, Ясси, Ўтрор, Тошкент, Хўжанд, Боб (Поп), Косон, Ахси, Ўш шаҳарлари ҳамда Талас ва Чу ҳавзалари (Еттисув), Исфижоб (Сайрам), Чимкент каби тарихий вилоят ва ўлкалар аҳолисини ислом динига киритишда араб қўшинларига бошчилик қилган ёки жонбозлик қилган шахслар фаолияти ривоят қилинади. “Фозий”лар ушбу вилоятлардаги “муғ” (зардустий) ва “тарсо” (христиан) аҳолига қарши ғазавотларда жонбозлик кўрсатишгани, ғайридинлар устидан ғолиб келиб, аҳолини мусулмон динига киритганликлари, айримлари

дин йўлида шаҳид бўлганлиги, уларнинг қабрлари ушбу аҳоли масканларида муқаддас қадамжоларга айлангани ҳикоя қилинади.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, “Насабнома”лардаги маълумотларда воқеиликларнинг кетма-кетлигига амал қилиниб, арабларнинг қаҷон ва қаердан йўлга чиққанлиги, қайси ўлкалар орқали Сирдарё ҳавзаларига етиб келиб, бу ерда олиб борган фаолияти нисбатан тўлиқроқ баён қилинган, бироқ кўпинча тарихий далиллар аралаштириб юборилган. Уларда келтирилишича, Шом, Макка ва Мадинадан йўлга чиққан мусулмонлар Бухоро, Самарқанд, Хўжанд орқали Фарғона, Шош, Ўтрор ва Сайрамга келиб, бу ернинг маҳаллий ҳукмдорлари билан урушлар олиб боришган. Келтирилган жой номларидан кўринадики, Сирдарё ҳавзасидаги аҳоли масканларидан сезиларли бир қисми араб босқини арафасида ҳам қандай бўлса, шундай аталган бўлса, бир қисми эса Ўрта асрларга ёки Қўқон хонлиги даврида ўртага чиққан топонимлардир (Еттисув, Арчакенд, Еттикент ва б.).

Насабномаларнинг бири – Пўлатхўжа Маманов қўлида сақланаётган қўлёзмада келтирилишича, Фарғона водийсида мусулмонлар билан ғайридинлар орасида Косонда бўлиб ўтган урушда (47-53 сатрлар) бу ернинг подшоҳлари Ўтамиш Сариқ ва Тўлмиш Сариқлар (қасан півадшә اوғимиш سریق تولیش سریق) мусулмон йўлбошчиларидан Ҳазрат Шоҳ Мансур ибн Имом Муҳаммад-и Ханафияни қийнаб, бошини танасидан узиб ўлдиришган. Шу пайт Ҳазрат Шоҳ Мансурнинг танаси тик туриб, ҳар иккала подшоҳни уларни қўлидан тутиб уруш майдонидан улоқтирган ва сўнгра ўзи ҳам ғойиб бўлган. Мусулмонлар ғалаба қозонгач, ғайридинларнинг бир қисми Фарғонада қолиб, исломга ўтган, бир қисми эса Хўжанд ва Кўҳистонга қочиб, беркинишган. Шундан кейин Шоҳ Мансурнинг издоши Ҳазрат Шоҳ Абдураҳмон мусулмонларга бошчилик қилиб Кошғар, Ёрканд, Хутан, Оқсув ва Или ўлкаларини мусулмонлаштирган [10, 136].

Ушбу насабноманинг анча кейинги сатрларида Ҳазрат Абдужалил-бобнинг Сирдарёсини кечиб ўтиб, Ясси шаҳри теварагидаги Барчинлиғентда бу ернинг ҳукмдори Йашмут-хонни мағлуб қилгани, шунингдек, мусулмонлар йўлбошчиси Ҳазрат Абдураҳим-бобнинг 60 минг кишилик қўшин билан Шош ва Чимкент орасидаги тоғлик мавзе Темир-Қуфқон ва Таласдаги ғайридинларни енгиб, Кух-Барах довони

орқали Косон томон юриш қилиб, Ҳазрат Шоҳ Мансурга хабар юборгани, бу ерга келиб, подшоҳ Ўтамиш Сариқ ва Тўлмиш Сариқни тор-мор келтиргач, ҳар иккала ҳукмдорнинг Ҳўжандга қочгани ва у ерда ҳам мусулмонлар билан қонли тўқнашувлар бўлиб ўтгани ҳикоя қилинади [10, 140]. Ҳўжанддаги тўқнашувда Ҳазрат Абдужалил-боб ўлдирилгач, бу воқеани эшитган Ҳазрат Исҳоқ-боб кўпсонли қўшинга бошчилик қилиб, тарсо (христиан) подшоҳ бўлмиш Йашмут-хон ва муғ (зардуштий) ҳукмдор Ўтамиш Сариққа қарши урушга отланади. Исҳоқ-боб Қарғалик қўргонида Йашмут-хоннинг ўғлини енгач, ушбу шахзода мусулмончиликка ўтади (132-155 сатрлар) [10, 141].

П. Маманов қўлёзмасини ўрганиб чиққан А. Мўминов бир қатор дала материалларига таяниб, Ўтамиш Сариқ Тўлмиш Сариқни қозоқ хўжалари шажараларида Йашмут-хон лақабли Қиличхон ўғли Сариғ Тўнли Ўтамиш Сариқ, деб келтирилган Жанд ҳукмдори билан тенглаштиради [10, 148]. Бироқ, ушбу қўлёзманинг бир неча жойида Ўтамиш Сариқ ва Тўлмиш Сариқ бошқарув маркази Косон бўлган ҳукмдорлар ўлароқ тилга олиниши бу масаланинг чуқурроқ ўрганилишини талаб қиласди. Араб босқини тўғрисида илк маълумотларни берувчи Абу Жаъфар ат-Табарийнинг “Тарихи русул ва-л-мулук” (IX аср), Жамол Қаршийнинг “Тарихи Кошғар” (XIII аср) каби асарлар ва Ўрта асрларга тегишли бошқа тарихий асарларда келтирилган исломдан олдинги Фарғона бошқарувчилари орасида бундай ҳукмдор исмларининг учрамаслиги масаласини чигаллаштиради.

Шу ўринда арабларнинг Фарғонани эгаллаши ўнлаб йилларни (700-740 йй.) ичига олганлиги ва бу йиллар орасида водийда бир неча ҳукмдорлар бошқарувга келиб-кетганини кўзда тутиш керак бўлади. Шунингдек, “Насабнома”ларда Барчинлигкент ҳукмдори Йашмут-хон тарсо – христиан подшоҳ, Ўтамиш Сариқ эса муғ – зардуштийлар ҳукмдори, деб тилга олинишига дикқат қилинса, масала бирмунча ойдинлашади. Бошқа ёзма манбаларда ҳам уқтириб ўтилганидек, исломдан олдинги кезларда Сирдарёнинг ўрта қирғокларида Жанд, Исфижоб (Сайрам) ва Чочнинг бир қисмida христиан инончи анчагина ёйилган бўлса, Фарғона водийси ва унинг теграсида зардуштийлик бирмунча кенг тарқалган эди [11, 42-55].

Қизиги шундаки, П. Маманов қўлёзмасининг ушбу сатрлари орасида (47-55 ва 132-155 сатрларда) Фарғонадаги сиёсий

воқеликлар тилга олинниб, бу ерда ҳам водийда 2 та бошқарувчи бўлгани айтилиб, улардан бири Карвон-Баст, иккинчиси Ихшит деб

келтирилади:

دو پادشاه داشتند يکي کاروان بست پادشاه دویم اخشتیت
(89-сатр) [10, 127]. А. Муминов “Насабномаи туркий”да Фарғона ҳукмдорлардан бири Ихшит (Малик-Ихшит) Ўзган ва Фарғонани, иккинчиси Карвон-баст (Карвон-шиш) эса Боб ва Косонни бошқарган, деб келтирилишини ёзади [10, 149]. Ихшит – исломдан одинги Фарғона ва Суғд ҳукмдорларининг бош унвони “ихшид” бўлганлиги кўплаб араб, форс ва туркий тилли асарларида учрайди [9, 61; 13, 6-7; 3, 114].

Бироқ, Карвон-баст (کاروان بشت) ёки Карвон-шиш (کاروان شيش) киши исмими ё бўлмаса унвоними масаласи ўз ечимини топганича йўқ. Шунингдек, бундай атама ёки шунга ўхшашроғи бирор ёзма манбада деярли учрамайди. Бизнингча, бу масалада келгусида чуқурроқ изланишлар олиб бориш керак. Шу ўринда ўрта аср араб ва форс манбаларида Фарғона водийсидаги йирик шаҳарлардан бири ўлароқ эслатилиб, Косон яқинида кўрсатилган کاروان (Карвон) шаҳри номи [9, 27, 37, 39] билан ушбу атама орасида қандайдир боғлиқлик бор, деб ўйлаймиз.

“Насабнома”лардаги бу каби чалкашликлар ушбу асарларнинг анча кеч даврда – Қўкон мухитида тартиб қилингани, шунингдек, уларнинг кўпчилиги оғиздан-оғизга кўчиб юрган ривоятлар негизида яратилганини ҳисобга олиш керак бўлади. Шунга қарамасдан “Насабномалар”да келтирилган далиллар тарихий ўрнини ўйқотмайди. Улар хитой, араб, форс ва бошқа тиллардаги маълумотларни тўлдирибгина қолмай, балки тарихнинг айrim қоронғу томонларига аниқлик ҳам киритади. Айниқса, хитой манбаларидан фақатгина Хой Чао (726) эсдаликларида учрайдиган маълумотлар

“Насабномалар”даги маълумотлар билан солиштирилса, масала янада ойдинлашади. Шимолий Ҳиндистон, Қобул ва Тўхористонда бўлган ушбу хитой саёҳи Фарғонада 2 та ҳокимият борлиги, бири Сирдарёнинг шимолида Тукюе (турк)лар бошқаруви, жанубида эса Даши (араб)ларга бўйсунувчи бошқарув борлигини эслатиб ўтади [4, 193]. Хой Чао келган пайтда Сирдарёнинг шимолида турклар бошқаруви мавжуд бўлиб, жанубида арабларга қарам бошқарув ўрнатилган бўлиб, шимолдагиси Ашина суполаси, жанубдагиси эса Фарғонанинг қадимий маҳаллий бошқарувчи хонадони вакиллари бўлиши эҳтимоли юқори

ТАРИХ

[6, 14]. “Насабнома”лар ва хитой йилномалари ўзаро солиширилганда, шимолдаги ҳукмдорликнинг бошқарув маркази Косон бўлиб чиқади. Буни хитойча “Син Тан-шу” йилномасида ўрин олган “Чжэн-гуан даври (627-649 йиллар)да Кан Моҳэду (*Тўн Баҳодур) ҳукмдор Кибини ўлдирди, Ашина Шуни унинг шаҳрини қўлга киритди. Шуни ўлгандан сўнг унинг ўғли Эбочжи (марҳум) Кибининг укасига ҳукмдор унвонини бериб, Хумин (Қува?) шаҳрида бошқарувга тайинлади, Эбочжи **Кәсай (Косон)** шаҳрида бошқарувга ўтириди” [5, 319; 8, 188-189; 16, 27-28] мазмунидаги маълумотлар ҳам кучайтиради.

Бу ва бошқа хитой йилномаларидан англашилича, Косонда ўз бошқарувини ўрнатган Эбочжи Фарбий Турк ҳоқонлиги шаҳзодаларидан бири Ашина Шунининг ўғли бўлиб, унинг отаси Фарғонадаги бошқарувни ерли сулолалардан биридан тортиб олган эди. Отасидан кейин Фарғона бошқарувини эгаллаган Эбочжи кейинчалик Фарғонанинг ерли сулоласи вакилларига ўз бошқарувида давом этишига рухсат бериб, ўз ҳокимиятини Сирдарёнинг шимолидаги Косон шаҳрини танлаши бежиз бўлмаса керак. Эбочжидан кейин Фарғонани бошқарган Ашина хонадони вакиллари борасида тўғридан-тўғри маълумотлар учрамаса-да, Свор-Тегин (Чўр-тегин), Алту-чўр (920 – йй.), Арслон тархон-чўр (740 – 751) каби Фарғона бошқарувчиларининг “тегин”, “чўр” сингари Турк ҳоқонлигига хос қадимги туркча унвонларига эга бўлганликларидан келиб чиқиб [13, 286-287; 14, 428-429; 1, 124-134; 6, 3-17], уларни водийдаги Ашина сулоласи вакиллари бўлган, дейиш мумкин.

Улар қаторига “Насабнома”ларда ўрин олган Ўтамиш Сариқ ва Тўлмиш Сариқ каби Фарғона ҳукмдорларини ҳам кўшиш мумкин. Улардан ҳар иккаласининг исми (Ўтамиш, Тўлмиш) ва унвони (эҳтимол, Сариқ = Свор = Чўр) туркий негиздалиги, ҳам пойтахт – Косон шаҳри Фарғона Ашина сулоласининг бошқарув маркази бўлганлиги каби омиллар бу қарашни кучайтиради. Шу ўринда IX–XII асрларга тегишли араб ва форс манбаларида “ихшид” ва “Чўр-тегин” унвонлари Фарғона бошқарувчиларининг бош унвонлари, деб келтирилганини айтиб ўтиш керак. Х асрда яшаган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ал-Хоразмий ўз асари “Мафотиҳ ал-улум” (“Илмлар калити”)да қўйидагича ёзади: “Ихшид – Фарғона ҳукмдорларининг исми, иерархия бўйича ундан кейингилари (Свор-

Тегин / Чўр-Тегин) деб аталади”. [17, 6-7; 3, 114; 6, 6].

Аслида турли тиллардаги ёзма манбалар исломдан олдинги йилларда Фарғона водийсида 2 та эмас, бир неча ҳукмдорликлар бўлганини кўрсатади. Улар орасида йириклари Косон, Ахсикат, Қува, Ўзган шаҳарлари бўлиб [15, 84-87], бу шаҳарларнинг ҳар бири бошқарув маркази – пойтахт вазифасини бажарган. “Насабнома”ларда Косон шаҳри Карвон-Баст, Ўзган шаҳри эса Ихшид исмли Фарғона ҳукмдорларининг бошқарув марказлари, деб эслатилиши ҳам буни қўплаб-кувватлади. Араб ва форс географлари (IX–XII асрлар) асарларида Ўзганнинг Чўр-тегин (IX аср) исмли ҳукмдори тўғрисида сўз бориб, В.В. Бартольд уни туркий ҳукмдор, деб санайди. Тадқиқотчининг ёзишича, Ўзган ва тоғ довони орасидаги мавзелардан бири “Дехқон Чўр-тегин” деб номланган бўлиб, Н.Ф. Петровскийнинг берган маълумотга кўра, ҳозирги кунда ҳам Ўзган ва Отбоши орасидаги йўл бўйида шу номдаги қишлоқ учрайди [2, 220].

Ушбу маълумотларга таянилса, “Чўр-тегин” унвони Фарғона бошқарувчилари орасида фақатгина Ўзган ҳукмдорларига тегишли бўлмаганмикан” мазмунидаги савол туғилади. Бироқ, VII–IX аср оралиғида Фарғона ҳукмдорларидан бир нечасининг исми сифатида “Чўр-тегин” унвонининг учраши, бу эса “Фарғона водийсида Ашина хонадони бош сулола бўлган, қолган ҳукмдорликлар эса унга бўйсунган, шу туфайли водий бошқаруви билан боғлиқ манбаларда “Чўр” ёки “Чўр-тегин” унвонларига дуч келиш мумкин”, деб жавоб беришга ундейди.

“Насабномаи туркий” ва “Насабномалар”нинг деярли барчасида исломдан олдинги Фарғона ҳукмдорларига тегишли ҳудудлар ва улар билан қўшни ҳукмдорликлар борасида ўхшаш ёки бири иккинчисини тўлдирадиган маълумотлар учрайди. Улардан англашилича, Фарғона жануб ва жануби-фарбдан Уструшона, шимоли-фарбдан Шош (Тошкент), шимолдан Талас, шарқдан Кошғар, жануби-шарқдан эса Кўхистон (Олой) тоғлари билан туташ бўлиб, Фарғона ҳукмдорларининг кўл остида Қува, Марғилон, Исфанд (Исфара), Ашт, Чодак, Ўйғур, Мурғзор (Мор-гўзар), Жас (Чуст), Ғова, Олмос, Арча-кенд, Извос-кенд (Избоскан), Ўш, Ўзган каби шаҳар ва туманлар бўлган [10, 137-139]. Ҳар бир ҳукмдор кўп ёки оз сонли қўшинлари билан арабларга қарши курашиб,

уларга катта қийинчиликпәр туғдирған, айрим пайтларда эса енгилиб, Хўжанд ёки Күхистон томонларга чекиниб боришга мажбур бўлишган.

Хуллас, “Насабнома”ларни миңтақанинг бир қатор воҳа ҳукмдорликлари каби Фарғона

тариҳи манбаси сифатида ўрганишга бўлган дастлабки уринишларимиз шуни кўрсатадики, ушбу манбаларда водий тариҳининг бугунгача қоронғу бўлиб келаётган бир қатор масалаларига оидинлик киритади.

Адабиётлар:

1. Бабаяров Г. Фергана – как один из центров чекана монет Западно-Тюркского каганата // ИМКУ, Вып. 40. – Самарканд, 2018.
2. Бартольд В.В. Географический очерк Мавераннахра / Бартольд В.В. Сочинения, I. – М., 1962.
3. Баходиров Р. История Востока в «Ключах наук» // Шарқшунослик. – Тошкент, 2009. № 14.
4. Бернштам А. Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой ЧАО (726) // ВДИ. М., 1952. № 1.
5. Бичурин Н. Я. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. Том II. – М. - Л.: Изд. АН СССР, 1950.
6. Бобоёров F. Farbий Turk xoқонлиги Ашина сулоласининг Farғонадаги тармоғи тарихига доир // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2019. – № 3.
7. Исламизация и сакральные родословные в Центральной Азии: Наследие Исхак Баба в нарративной и генеалогической традициях. Том 1. Издатели Девин Ди Уисс, А. Муминов. – Алматы – Блумингтон: Дайк-Пресс, 2013.
8. Маявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. – Новосибирск, 1989.
9. Материалы по истории кыргызов и Кыргызстана / отв. редактор В.А. Ромодин. – Бишкек, 2002.
10. Муминов А.К. Кокандская версия исламизации Туркестана / Подвижники ислама. Культ святых и суфизм в Средней Азии и на Кавказе. – М.: Изд. Восточная библиотека РАН, 2004.
11. Мусакаева А. О несторианах в Средней Азии (по нумизматическим данным) / Из истории древних культов. Христианство. – Ташкент, 1994.
12. Қазыналы Оңтүстік. Түркістан кітапханасы. Том 56. 1-кітап: Насап-нама. Мәтінді аударып, транскрипциялаган, тұпнұсқа мен асылмәтінді ұсынғандар: Ә. Муминов, З. Жандарбек. – Алматы: Нұрлы Әлем, 2013.
13. Смирнова О.И. Очерки из истории Согда. – М., 1970.
14. Смирнова О.И. Сводный каталог согдийских монет. Бронза. – М., Наука, 1981.
15. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар: Қадимий ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар. Фарғона: “Фарғона” нашриёти, 2013.
16. Хўжаев А. Шин Тангшу (“Тан сулоласининг янги тарихи”)дан / Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия, 2/1. –Т.: Фан, 2014.
17. Bosworth C.E., Clauson G. Al-Xwārazmī on the Peoples of Central Asia// JRAS, 1965. No. 1/2.
18. DeWees D. Yasavian Legends on the Islamization of Turkestan // Aspects of Altaic Civilization III. Proceeding of the 30th meeting of the permanent International Altaic conference. Indiana University of the Blomington, Indiana June 19-23, 1987. – Blomington, 1990.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).